



ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Сизларни гўзаллик ва латофат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик айёми — 8 март билан чин юракдан табриқлайман.

Халқаро аёллар куни сифатида нишонланадиган бу анъанавий байрам бизнинг ёш, мустақил мамлакатимизда мутлақо янгича мазмун касб этмокда. Қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланаётган, жамиятимиз маънавий жиҳатдан покланаётган, шарқона одоб ва лутф қайтадан қарор топаётган бир шароитда аёлларни эъзозлаш, оила ва жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг меҳнатини, гулдай нозик кўнглини ва юксак шаънини асраб-авайлаш ҳаётимизда алоҳида ўрин топмокда.

Бизга ҳаёт инъом этган, оқ сўт берган, оқ ювиб оқ тараган она олдида барчамиз умрбод қарздоримиз. Бу улўф зот олдида ҳар доим таъзим бажо айлаш — ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Аёллар меҳри ва чексиз меҳнати билан ҳар қайси оиланинг бахту саодати, бутун жамият ва давлатнинг ободлиги, барқарорлиги, тинчлиги таъмин этилади ва мустаҳкамланади.

Мамлакатимиз аҳолисининг салкам ярмини болалар ва ўсмирлар ташкил этар экан, айтиш мумкинки, Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги сизнинг бағрингизда, меҳру муҳаббатингиз шўъласида камолотга етмокда.

Меҳрибон оналар, опа-сингиллар!
Ҳар қайси хонадон ва ҳар бир оилага муносиб шароит яратиб бериш, сизларнинг ва фарзандларингизнинг тинч-тотув ҳаётини, юртимиз барқарорлигини ҳимоя этиш вазифаси ҳар доим давлатимиз сиёсатининг марказида бўлади, деб сиз азизларни ишонтиришга руҳсат бергайсизлар.

Сизларни яна бир бор қўлуғ айём билан муборақбод этаман, барчангизга тансиҳатлик, бахту саодат тилайман.

Умрингиз узун, иқболингиз баланд бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом КАРИМОВ

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДАДИР

БАҒИР АМНАТИЗ МУБОРАҚ



Бисер бўлса агар бол ҳам беқадр,
Шакрор айтимганда фансиздир калом.
Бу еру оламда Ватан билтадир,
Билтадир дунёда ОНА деган ном!



А
З
И
З
Х
О
Т
И
Н
-
К
И
З
Л
А
Р



Абдул Фани ЖУМА сурати

Аскар табриги

Ассалому алайкум, меҳрибон аёлларим!
Сизни 8-март байрами билан қўлашга руҳсат бергайсиз. Худойим сизга соғу-саломат узоқ яшашни, фарзандларингиз, шайбаларингиз ҳузурини қўрашни насиб этсин. Бу ерда аскарлик ҳаётини кўриб кўп ибрат олдим. Хусусан Ватанимизни синаб қўриб, ОНА-Ватан дейишларининг қайси қанча муҳим эканини. Эеро, Ватан ҳам ондас аниқ, она эса шу ватандаги энг аниқ киши бўларкин. Менга берган оқ сунник, тарбиянгиз учун раҳмат айтаман.
Бу ерда бизга буанимани сардори катта лейтенант Анишер Абдуллаев, старшинами, яна буанимани отиси — катта прапорщик Негмурод Ботиров бизнинг ҳарбий ҳаётга қизиқинишга, аумалдан ҳарбий машқларини ўрганишимизга, тартиб-интизом билан, соғ-саломат чиқиш қўрашимизга далоил ўз масъулат-ўзгичларини билан кўриб келадилар.
Мана хизматимиз муқддати тугашига ҳам оқ фурсат қолди. Хуво қолса тез кўчаларда бағрингизда бўламиз.
Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор сизни, шунингдек барча оналар, опа-сингаларингизни байрамларингиз билан қўлаб қўламан.
Ҳурмат ва ақтиром ила ўганимиз

ТАЪЗИМ

МАҲМУДЖОН!
Н-қисми оддий аскари

Келажак эгалари

ОЧИЛАЁТГАН “ҒУНЧА”

Сўнги вақтларда бир хайрли ишга алоҳида аҳамият берилаётган. Бу келажак эгалари бўлиши болажонларга эътибор, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликдир. Биргина республика Болалар жамғармаси олиб бораётган кенг қўламадаги ишлар бунга мисол бўла олади. Ҳудуд, “Соғлом авлод учун” халқроқ жамғармасининг мамлакат миқёсида ўтказиладиган тадбирлари ҳам диққатга сазовордир. Бундай мисоллар талғатгина. Бироқ биз катталарнинг болаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ҳақида эмас, айнан болалар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 483-болалар боғчаси 1973 йилда ишга туширилган. Ўтган вақт мобайнида бу муассаса болажонларнинг сеvimли масканига айланган. Бунда тарбия топган илк қалдирғочлар бутунги кунда билимга чанқок, шаклланиб улгурган ешларимиз қаторига қўшилган. Боғчада 1974 йилда ташкил этилган “Ғунча” болалар ансамбли эса бутунги кунда элга танилиб улгурди “Ғунча”нинг болалар орасидаги мухлислари сон-саноксиз. Ўзбекистон радиосида деярли ҳар ҳафтада ансамбл ижросидаги кўшиқлар янграйди. Телевидениеда намойиш қилинадиган “Ғунча” дастасининг концертларини сеvimб томоша қилмайдиган кичкинтой тоғилмас керак. Боғча маъмурияти ҳам, даста аъзолари ҳам ўтган йиллар давомида эришган ютуқларини эслаб юришади. Эсда қоладиган кунлар эса даста тарихида оз эмас. Келинг, уларга бир назар ташлайтилик. 1987 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон кунларида “Ғунча” ҳам фаол қатнашиб диплом билан тақдирланди. Юртимизнинг кўзга кўринган адибларию шоирлари, давлат арбоблари, йирик-йирик фирма ва заводларнинг юбилейлари “Ғунча” иштирокисиз ўтмайди, десак янглишмаймиз. Даста уларнинг ҳар биринида қатнашиб томошабинлар меҳри-

ни қозонган.

Бундан ташқари, мамлакатимизга ташириб буюрган хорижий меҳмонларни қутиб олишда, катта-катта сахналарда, эл сайиларида ҳам бу иктидорли болалар концерт бериб келишмоқда. Яна бир воқеани қувонч билан таъкидлаб ўтиш жоиз. Мустақиллигимизнинг бир йиллик тантаналари нишонланаётган пайтда байрам дастурининг энг жажжи иштирокисиз ҳам бу даста аъзоси уч ешли Зебохон эди. Ҳозир бу кызалоқ — Зебо Ааларова 5 яшар. Шунингдек, дастанинг фаол иштирокчиларидан Мухлиса Тўлаганова ва Мадина Комилдодлар 4 ешда. Лобар Абдуллаева 5, Малика Тўлаганова 6 ешда. 2 ярим яшар Саодат Фахриддинова ва Дилшода Ақромовлар эса “Ғунча”нинг концерт дастурлари кемтик чиқадигандек туюлади.

Даста ижросидаги “Кўзикари”, “Емгир”, “Атлас қўйлагим”, “Онажон” ва турли байрам қўшиқлари машхур. Қўйқўшиқ, рақслари болаларга ўргатишда мусиқа раҳбарлари Мунира Усмонова, Фотима Носировларнинг хизматлари катта. Боғча мудираси Шохиди Саидхамедова ҳам уларга қўлидан келганча ердан бериб, барча шароитларни яратиб берапти. Сахна қўйлақларини тикшишда эса, ширин тилли тарбиячи опалари жонбозлик

кўрсатишмоқда.

Умуман айтганда, даста ўз номи билан “Ғунча”. Гарчи ғунча бўлсада, муаттар буй таратиб кўнгилларни хушнуд қилмоқда. Даста фаолияти билан танишар экансиз, келажакда бу ғунчанинг гул бўлиб ял-ял очилмоғига шубҳа қилмайсиз. Ажабмас, вақти келиб шу жажжи болалар мамлакатимизнинг, юртимиз саноатининг чин фидокорлари, чақнаган юлдузлари бўлиб етишсалар.

Бевосита мана шундай ансамбл тузиб, элга танилган боғча фаолияти эса бу билан чекланмаган. Ушбу тарбия ўчоғида қилинаётган ва қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам талайгина. Ҳозир боғчада кенг таъмирлаш ишлари бўляпти. Насиб этса, бу ишлар яқунланган, боғча бошқа соҳаларда ҳам далил қадимлар қўймоқчи. Хусусан, тумандаги 197-мактаб билан ҳамкорликда тарбияланувчиларга инглиз ва араб тилларини ўргатиш, болалар билимини ешигилдинок чуқурлаштириб бориш режалаштириб қўйилган. Боғча маъмуриятининг асосий мақсади битта, яъни боғча фақат болалар ўйин-култуси, вақт ўтказиш жойигина бўлиб қолмасдан, билим ва чин тарбия ўчоғи бўлиши лозим.

Абдували МУХСИМОВ
Акмал Икромов тумани

Сулала

АСАЛЧИ АМИН АҚА

Сўхбатдошим Амин ака Тоғаев, салкам ўттиз йилдан буён асаларчилик билан шуғулланади. Анча йиллар давомида техника билан муоамалада бўлса-да, ҳаётнинг нозик томонларини ҳам яхши англайди. Бунга сабаб асалари бўлса ажабмас. Чунки у кишининг таъкидлашича, асалари боладек нозик ва катталардек ақли. Яна ҳаёти давомида тушуниб, ўзининг яшаш тарзига айлантирган ақидаси битта — ҳалоллик.

— Ҳалоллик бор жойда барака бўлади, одамларнинг соғлиги ва тинчлиги барқарор бўлади, — дея Амин ака сўхбатга қўр бера бошлайди.

— Амин ака, шу соҳа билан шуғулланганингизга қанча бўлган ва буни кимдан ўргангансиз?

— Бу бизга ота касб. Эсимни таниганимдан бери асалари билан биргаман. Отамнинг айтишларича, бобом асаларчилик билан шуғулланган эканлар. Биз оилада 5 ўғил эдик. Отам қаригач, ҳаммамизга 30 та яшиқни бўлиб бердилар. Бора-бора уч киши бу касб билан доимий шуғулланиб кетдик.

— Бу соҳага болаликдан аралашиб юрар экансиз. Зерикиб қолмадингизми?

— Бу нарсга орқасидан бойлик, мол-дунё тўплаш ниятида юрганимда балки жонимга

теккан бўларди. Яширишнинг ҳожати йўқ, асалари сизни ҳар қачон керагича тўйдиради, ҳатто оилангизни ҳам тебратиши мумкин.

— Соғлиқ учун зарарли асаллар ҳам учраб туради дейишади. Буни қандай тушуниш мумкин?

— Ифлос ёки зарарли гиёҳлардан шира йиғиб келган асалари ўзлари томонидан уяга кирмасданок ўлдирилади. Тозалик улар учун биринчи ўринда туради. Энди зарарли асалларнинг учраши эса нафс қурбонларининг билиб-билмай асалга ҳар хил нарсаларни арлаштиришларининг оқибатидадир.

— Нега ҳамма май ойда олинган асарини мақтайдилар. Унинг бошқа

ойларниқидан қандай фарқи бўлиши мумкин?

— Мени қизиқтирган нарсга ҳам шу. Май ойда камдан кам асал олинади. Кейин, бунининг асали бошқа олинган асалдан ҳеч бир афзаллик томони бўлиши мумкин эмас. Асални қайси ойда эмас, қайси жойдан олинганига қараб фарқлашга яхши бўларди. Мамасалан, тоғда ҳар хил шифобахш гиёҳлар кўп. Аммо у жойлар салқин бўлганлиги учун асал олиш оғирроқ кечади.

— Бир ойда қанча асал олинганга мумкин?

— Бу аввало куннинг иссиқ ёки совуқлигига, асаларининг соғлом ва бақувватлигига боғлиқ. Агар ҳаммаси яхши бўлиб, мусаффо жойларда жойлашса, бир ҳафта ичида ҳар яшиқдан 8-10 килограмдан асал олиш ҳам мумкин.

— Сиз қаерлардан асал оласиз?

— Баҳор келди дегунча ишлар тигизлашади. Қишдан соғлом ва бақувват олиб чиқсак бўлди, қолган ҳаммаси яхши бўлади. Биз асаларларини тоққа, далаларга ва чўлга олиб юраемиз. Пахта далаларига олиб чиққанамизда баъзи раҳбарлар қаршилиқ ҳам кўрсатишади. Эмишки, пахтанинг гулини тўкиб, ҳосилга зарар етказармишимиз. Аслида энг яхши чангловчи бу асаларидир. Асалари қўйилган пахта далаларидан мўл ҳосил олиниб, унинг фойдали эканлиги исботланган.

— Сиздан кейин шу ишни фарзандларингиз давом эттиришига ишонасизми?

— Худога шукр, беш қиз ва икки ўғлим бор. Ўғилларимдан Ҳусниддиннинг асаларчиликка қизиқиши катта. Мендан сўнг шу ўғлим ишимни давом эттиришига ишонаман.

Ботир ЭРНАЗАР
сўхбатлашди

Етти кун

ТҮЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

Буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган қишлоқ Хўжайлғорда унинг 660 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Қишлоқда Амир Темур ёдгорликлари комплексини қуриш учун 7 гектарга яқин ер ажратилиб, дастлабки қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

ТЕАТРДА ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Қашқадарё вилояти “Маҳалла жамғармаси фаолларининг ташаббуси билан Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номлидаги вилоят мусиқа театрида хайрия кечаси ўтказилди. Унда театрининг таниқли саноаткорлари, ижрочи ёшлар ўз чиқишларини намойиш этдилар. Хайрия кечасидан тушган маблағ вилоятдаги кам таъминланган, кўп болали, муҳтож оилаларга тарқатиладиган бўлди.

МАКТАБГА ЁРДАМ

Зарбдор туманида 20 та мактабга беш гектардан унумдор ер ажратиладиган бўлди. Мактаб жамоалари энди бу ерлардан унумли фойдаланиб, мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб олишлари мумкин.

ЁДГОРЛИК

Хайратондаги “Дўстлик” темирўл кўприги ёнида Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик тоши қўйилди. Ушбу хибонга мактаб ўқувчилари ва зобитлар кўчатлар ўтказишиб, ёдгорлик пойига гуллар қўйишди.

“ҲУЖУМ”НИНГ ҲУЖУМКОРЛИГИ

Шаҳрисабз шаҳридаги “Ҳужум” фабрикасининг чеварлари яна бир карра ном чиқарадиган бўлишди. 2100 кишилик ҳунармандлар корхонани республикада биринчилардан бўлиб, жамоа мулкига айлантиришга аҳд қилдилар.

МАТБУОТ ВА ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ
ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

Дунёдаги биринчи қўшиқ — бу она алласи

ИНОБАТ БУВИНИНГ МАСЛАХАТЛАРИ

ИПСИЗ ЯМОҚ СОЛИШ

Шим, юбка ва ҳоказолар йиртилса, шу турдаги матони олиб юзига тухумнинг оқи суртилади ва йиртилган жойнинг чап тарафидан қуйиб, бир неча дақиқа марли ёрдамда дазмол босиб туртилади. Бундай ямоқ ҳеч қачон тушиб кетмайди.

Чақилган тухумнинг ҳаммасини ишлатмайдиган булсангиз, уни пиёлага солиб, устига озгина сув солсангиз қотиб қолмайди.

Қишки, кузги оёқ кийимларни олиб қуйишдан илгари, уларни яхшилаб ювиб, қуриштириб, сунгра ичини нашатир спирта ҳўланган пахта билан артиб, олиб қуйилса, ҳеч қандай ҳид булмайди.

Пальто ва плашларнинг тугмаси узилмасин десангиз, тикиндан олдин ишларни шам ёки кир со-

вундан утказиб олиш керак.

Эски йиртилган капрон пайпоқ ва колготкаларни ташламанг, уларни кафел, ванна, раковиналарни тозалаб ювиш учун ишлатса булади.

Балиқ қовурганингизда ёмон ҳид чиқмасин десангиз, товадаги ёгга битта кичкина пиёз солинг.

Шерст кийимларни ювганда рангини йўқотмасин десангиз, чайилаётган сувга бир ош қо-

шиқ туз солиб юборинг.

Марганцовка, хинадан қолган қулингиздаги доғларни помидор пусти билан артсангиз, доғлар кетади.

Хонадаги гулларга шира тушса, уларни тамаки солинган сув билан ювинг, (пурканг) шира йуқолади.

Қовураётган қиймангиз ёпишиб қолмаслиги учун, озгина сув қушиб юборинг.

Муяссар АЗИЗОВА ёзиб олди



Е. ХУЖАМБЕРДИЕВ сурати

ДЕРАЗА

БУЮК ҒАЛАБАГА БАҒИШЛАБ

Москвада ғалаба байрамига бағишлаб кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, урушда мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган, маршалл Георгий Жуковга манеж майдоидаги давлат тарихи музейи ёнида бронзадан ҳайкал урнатилапти. Бу ёдгорликни очиш шу йилнинг 8-май кунига белгиланди.

АНТИҚА ЧОЙНАК

Шанхайлик ҳунарманд Тао Чан Цзюнь ва унинг икки укаси тошдан чойнак ясамоқда. Бу чойнакда дамланган чой бошқа чойнаклардагидан анча хуштаъм ва одам танасига зарур бўлган микроэлементларга бой экан. Ҳунармандларнинг диққати асосан чойнакка шакл беришга қаратилган. Сотувга чиққан турли шаклдаги бу чойнаклар тезда ўз харидорини топмоқда.

ЖАҲЛ ЧИҚҚАНДА...

Руминиялик гимнастика буйича тренер Флорин Георге 11 ёшли шогирди Адриан Джуркни машқларни ёмон бажарганлиги учун уриб юборди. Натижада Адриан бруега боши билан урилиб қаттиқ шикастланди ва касалхонада жон берди. Энди эса жаҳли тез устоз 8 йил қамоқ жазосини оладиган, унинг клуби эса ёш гимнастикачининг ота-онасига 10,8 миллион лей (6100 АҚШ доллари агрофида) жарима тулайдиган бўлди. Таъкидлаш жоизки, руминияда урчача ойлик миқдори 90 АҚШ долларини ташкил этаркан.

ҚУВВАТБАХШ ИЧИМЛИК

Токио метро бекатлари киоскаларида кичкина шиша идишларда таркибида А ва С витаминлар бўлган ичимликлар сотилапти. Ичимликлар эрталаб ишга шошилаётган токиолоиклар жонига оро кирмоқда. Чунки бу ичимлик нафақат чанқоқни босади, балки кишига анчагина қувват ҳам бағишлар экан.

ОДАМХЎР ДАЛА

Озарбойжондаги Шекиль озиқа бирлашмасида даҳшатли мўъжиза рўй берди. 70 ёшли тракторчи Камол Жўҳуд углини трактори билан бирга ер ўз домига тортиб кетди. У «Гара тоға ботқоғи» деган жой яқинидан тракторда ўтиб кетаётган экан. Бунга ҳам икки ҳафтадан кўпроқ вақт ўтди. Ҳозир 60 метргача қазини ишлари олиб борилиб, тракторчи қидирилмоқда. Лекин на ундан, на трактордан ҳеч қандай дарак йўқ. Олимларнинг таъкидлашича, у тушиб кетган ер остидан кучли дарё оқими ёки кучли ер ости сув тошқини оқиб ўтиб, тракторчини техникаси билан оқизиб кетган бўлиши мумкин.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли

Каромат
МАМАРАСУ-
ЛОВА!

Сизни 9-март тутилган кунингиз билан табриклайман. 39 ёшингиз муборак бўлсин. Барча меҳнатларингизнинг роҳат-фароғатини кўринг. Сизга улкан зафарлар ҳамроҳ бўлсин.

Укангиз Маматқул Бозорбоев.

Мухтарам онажонимиз Зоҳида
СУЛАЙМОНОВА!

Сизни баҳор байрами 8-март ва таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Толенингиз баланд, умрингиз узун бўлсин. Фарзандларингиз «Хонобод» қишлоғи, Беруний 76-уй.

Хурматли опагоним ГҮЛМИРАХОН!
Мен сизни 32 ёшга тулдингиз муносабати билан табриклайман. Сизга боқий умр, бахт-саодат тилаб, синглингиз Хурсаной ЭРҒАШЕВА.

Меҳрибон волддамиз ЭРҒАШ қизи



МУКАМБАР ва падари бузрукворимиз МАҲАММАД угли ҒОФУРЖОН! Сизларни муборак 65 ёшингиз билан қутлаймиз. Биз фарзандлар сизларга узоқ умр, тани сийҳатлик тилаймиз. Бахтимизга бошимиз узра қуёшдек нур сочиб туришингизни Яраттан эгамдан сўраб қоламиз.

Эъзоз ила беш қиз, уч ўғил, йигирма бир набиранингиз.

Тошкент вилояти,
«Хонобод» қишлоғи

Рихсихонопа

Муборак таваллуд айемингиз билан чин дилдан муборакбод этар эканмиз, Тошпулат акамиз ҳамроҳлигида бир-биридан гузал, хушаҳлоқ Мухаббатхон, Муҳайёхон, Баҳодирхон ва Баҳромжондек утил-қизларни тарбиялаб воғиз етказган Сиз азизларга булган эҳтиромимиз чандон оша-



верали.

Аллоҳдан сизларга узоқ умр, бахт-саодат, шодмонлик тилаб қудаларингиз Шоалимов, Саидаминов, Дустмуҳамедов, Гўжумбоевлар оиласи.

ДИЛНОЗ — сени никоҳ туинг билан қутлаймиз!

Бахт-омад сенига
ер бўлсин.
Мақсудовлар хо-
надонини.

Ўзбекистон тумани

Катта Тағоб қишлоғи.



Хурматли ЛОБАР! Байраминг билан чин қалбдан табриклайман. Ҳаётинг бегубор, порлоқ бўлишини тилайман. Сенига бахдан тахт, муҳаббатли чиройли оила қуришингни истайман.

Козим ДАВРОН.

Хурматли опагонимиз Жумаева Ойсарал! Сизни 8-Март улуг айём билан ва 10 март таваллуд топан кунингиз билан табриклаймиз. Ҳамда акаларимиз Абдуолимжонни 14 март, Шоназаржонни 18 март, Абдумуроджонни 22 март тутилган кунлари билан чин юракдан табриклаймиз. Сизларга боқий умр, бахт-саодат тилаб қолувчи Маҳаммадали, Шойим, Ҳамза Раҳмоновлар.

Қамаши тумани,
Одоқжонбуз қишлоғи
ОИЛА
45 ЁШДА

Харбий хизматчиман. Тошкент шаҳрида яшайман. Уйим-жойим дейлган, меҳрибон бир аёл билан оила қуриб қолган умримни охиригача у билан бахтли ҳаёт кечириб яшамоқчиман. Уйда утириб фақат эрига, оиласига бор эълиторини қаратмоқчи бўлган аёл бўлса яна ҳам яхши. Менга батафсилроқ хат ёзиб юборишларингизни сурайман. «Оила-401».

ҚИЗНИНГ ҲУСНИ ОДОБИДА

ДУШАНБА, 13

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устaxonаси.
18.30 «Солик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Дилдан куйлаб, ўйна кўнаб».
20.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.55 «Дурдаршин» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.



19.45 «Мульткарусель».
20.00 «Ислохот ва масъулият».
20.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
«ОМАНД» таништиради:
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

рс»).
22.30 — 23.10 «Зиновий Гердт ҳикоя қилади...» Ҳажвий кўрсатуви.

ЯҚШАНБА, 19

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзумчोक».
19.00 «Йўлингиз беҳатар бўлсин!».
19.30 «Интилиш».
20.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.30 «Саломат бўлинг!».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».
18.00 «Рус йўналиши».
18.30 «СБ» жумбоғи.
18.40 «Ҳўжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).

лида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Булоқлар кўз очганда».
19.40 «Мерос». Замаҳшарий.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Навоий вилояти.

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муҳаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Муъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Хафтаннинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.05 «Детективлар клуби»да: «Машҳур детективлар», Бадий фильм. 4-фильм — «Олти мурда» (Франция).

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чирок».
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 Халқ севган дostonлар. «Кун-тўғмиш». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ижро этади.
11.30 «Шохрўҳ» клуби.
12.00 «Сирли сандик». Телевизион ўйин.
12.50 «Актёрлар ва роллар». Тўти Юсупова.
13.50 — 15.50 «Кичкинтой» видеоканали.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

ЧОРШАНБА, 15

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Эгуликка интилиб».
«ОМАНД» таништиради:
20.30 «Совга».
21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатуви.
21.15 Жаҳон географияси.

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УзТВ II
«Оманд» таништиради:
18.30 «Оманд» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил хангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

ШАНБА, 18

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 «Оцеола». Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Жон қизлар, жон қизлар». Концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 «Ҳазалхон ёшлигим».
12.40 «Алифбо сабоқлари».
13.10 — 15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

УзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.40 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Беовосита мулоқот».
20.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.50 «Дурдаршин» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.30 «Мусиқий жиллолар».
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».

9.00 «Кувнок стартлар».
9.30 Т. Хасанов, Р. Азизхўжаев, Ҳ. Мухаммад. «Кувёллар конкурси». Мусиқий номдаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
11.30 «Сумалак». Телефильм.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
12.55 «Эл хизматида». Коммунал хизмат ходимларида бағишланган кўрсатув ва концерт.
13.55 — 15.55 «Мазнавият» видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильмлар дастури.
18.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Хафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...».
19.55 «Тасвир». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.45 «Энг жозибали, энг лаптофатли қиз». Бадий фильм.
23.10 — 23.40 «Хафтанома».

СЕШАНБА, 14

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга кўнгирик...».
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Шоҳсупа сари».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

ЖУМА, 17

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УзТВ III
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.50 «Мулоҳаза».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.

«ОМАНД» таништиради:
9.00 «Мультфэйверек».
9.25 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеоид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

УзТВ III
9.00 Мультфильм.
9.40 «Олтин атиргул» фори. Телевизион бадий фильм. 8-серия.
22.05 «Панорама».
22.25 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—«О».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кўнгирикча».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ташаббус-94». Республика тадбиркорларининг II кўрик-танлов яқуларига бағишланган кўрсатув ва концерт.

«ОМАНД» таништиради:

21.15 — 00.15 «СПОРТ КИТЪАСИ».
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
18.00 Эфирда — Давлатлар-аро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. С. Рахмонов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тигиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Галабанинг 50 йиллигига. «Брест геттоси». Телефильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 23.50 Кино асри. «Оила кенгаши». Бадий фильм (Франция, 1985 й.).

«ОМАНД» таништиради:
9.00 «Мультфэйверек».
9.25 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеоид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Киноғого».
12.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «Спорт китъаси». «Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Табассум».
18.30 «Антенна».
19.40 «Луль».
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Гладиаторлар». Спорт шоу дастури.
21.45 «Кинематограф».
23.25 — 23.30 «Хотима».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Олтин атиргул» фори. Телевизион бадий фильм. 8-серия.
22.05 «Панорама».
22.25 «Мусиқий саёҳат».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—«О».

ПАЙШАНБА, 16

УзТВ I
7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

УзТВ II
9.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. «Онажон, мен тирикман». Бадий фильм.
10.05 Телесериал.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кафолат».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 «Ёшлик» студияси «Мақтубларингизни ўқиб...».

УзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

13.05 — 15.05 «Синон даври». Видеоканал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Колумб кашф этган диёр».
20.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
21.10 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55 «Бу ажиб дунё».
22.15 — 22.25 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Олтин атиргул» фори. Телевизион бадий фильм. 8-серия.
22.05 «Панорама».
22.25 «Мусиқий саёҳат».
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—«О».

Не учун севамиз, Ўзбекистонни

ФИДОЙИЛАР

Ватанни севмоқ иймондандур. Бу ҳадиси шарифни ҳис этмоқ учун бир умр камлик қилади. Бу каломи шарифни ҳис этмоқ учун бир сония етарлидир.

Зеро, ҳар бир даврда, бу чархи дунёнинг ҳар бир бўлагида инсон тафаккурини шуълалантириб турадиган, уни эзгулик қалъаси сари чорловчи ва илҳомлантирувчи муқаддас недир бор эди!

У ҳозир ҳам мавжуд!
Ундан мозий садоси, давр нафаси ва саодатбахш келажак шаббодаси эсиб, эшитилиб туради. Унинг ибтидосидан интиҳосига довр, биз дастлаб лутф этган сўз-Ватанни севмоқ тушунчаси қизил ип бўлиб утганки, такрор-такрор мутолаа қилганинг сайин нури истиқбол сенга жамол курсатаверади, юз очаверади.

Дарвоқе, Ватанни мутолаа қилиб буладими?

Ҳа! Фақат у кунгилда жойлашган бўлса, иймон деб аталувчи мўжизавий қудратга эга бўлса!

Ўзбекларда тугилган тупроқ, киндик қони тўкилган жой, қолаверса, «Ўз уйим-улан тўшагим» деган тушунчаю, нақллар бор. Биз қаерда бўлмайлик, қайси мартабаю мансабда ўтирмайлик, қандайдир илоҳий қудрат бизни ҳам доим уша юртга чорлаб тураверади.

Ўзбекистон — бизнинг тугилган ва камолга етган уйимиз. Бу ҳам қандай баландпарвоз сузлардан, «СССР — менинг Ватаним» деган сунъий тушунчалардан устиворроқдир, улугроқдир. Зеро, ана шу хонадоннинг раванқи ва осойишталиги учун интилиш, кураш Ватанга фидойилик мезонини белгилаб беради. Минг йиллик жангу жадалларнинг, жон олиб жон беришларнинг барча сабаб ва оқибатлари ана шу тушунчага келиб туташади. Ва беихтиёр лабларимиз пичирлайди:

Ватанни севмоқ-иймондандир. Мамлакатимиз Президентни ҳам бу каломни ўз чиқишларида тез-тез тилга олади. Ва Ватан учун фақат фидойилик зарурлигини бот-бот такрорлайди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг яқиндагина бўлиб ўтган сессиясида у мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболлари ҳақида гапирар экан, бу омилларнинг рўёбга чиқиши маънавий юксаклик, ватанпарварлик, ро-

стгуйлик, халқсеварлик каби фазилатлар билан омухталлигини айтди, ва «Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировни ҳақиқага хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам узини аямайди. Бунинг акси улароқ Ёлгончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаат-парастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга уралмасин, фатовлар туқиб чиқарилмасин, бари-бир

КЕРАК

ватанга хиёнатдир.» деди.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда Ватанга хиёнат ҳам ҳар бир даврда бўлиб келган. Юртбошимиз турғи таъкидлаганидек, хиёнат қинғир ишдан бошланади. Хиёнаткор, энг аввало, халқумини булгайди, кейин дустини сотади. Сунгра устозининг юзига оёқ қўяди, бора-бора фарзандини, хотинини... ва ниҳоят, муқаддас каъбага — Ватанга хиёнат қилади. Алҳазар, алҳазар...

Аслида хиёнат жоҳилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса диёнатли бўлади. Бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги ҳам маърифатли кишилар, илмли ёшлар қўлида. Шу туфайли юртимизни фидоий кишилар масканига, меҳру шавкат, муҳаббат барқарор бўлган тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айлантиришимиз зарур. Токи ота-боболаримизга маърифат маскани бўлган улуг Шарққа муносиб соҳиби илм бўлайлик. Маълумки, инсонпарварлик гоъялари билан озиқланган Хужа Аҳмад Яссавий, Хужа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солган муқаддас гоъя ва тариқатларининг ватани ҳам Туркистон заминидир.

Ватанни севмоқ иймондандир.

Биз бу Ҳадиси шарифни ҳис этмоқ учун бир умр ҳам камлик қилади дедик ва пировардида айтдикки, уни англамоқ учун бир сония етарлидир.

Ўзбек халқида бир мақол бор: «Яши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи», бунини шу маънода тушунмоқ

лозимки, ватанни севмоқ учун бошга минг бир туқмоқлар уриб, пешонани гурра қилиш ва шу йўл билан узини фидоий қилиб курсатиш шарт эмас. Ватанни севиш, аввало оилани ҳурмат қилиш, унинг шавкатини ошириш, ўз вазифасини сидқидилдан адо этиш, меҳр-мурувватли, маърифатли бўлиш демакдир.

Илгари ўз урнида қўним топмаганлар «партия топшириги»га биноан Мурунговда тилла қовларди, Қарағандада кўмир қазирди. Бу ҳамма жойда ватанпарварлик, адолатпарварлик, фуқаропарварлик ва яна қатор-қатор «парварлик»лар саналарди. Аслида эса буларнинг бари шахсий манфаат-парварликдан бошқа нарса эмас эди.

лқди. Москваликлар Листьев яшаган уй олдини гулларга тўлдириб ташладилар. Мамлакат Президенти Телекомпанияга келиб таъзия билдирди.

Хуш, бир фидоий журналистнинг кадр-қимматини қандай баҳоламоқ керак? Бир ватан фарзандининг хизмати яна қандай бўлмоғи лозим? Ватанпарварликнинг узи шу эмасми?

Ватан ўз фарзандларини унутмайди!

Бу эски гап. Аммо Ходи Тоқтош айтганидек, ҳар бир юрак унга бўлган меҳру-муҳаббатини янгилаб боради. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган гап ана шун-



Келажаги буюқ мамлакат учун бундай ватанпарварликнинг заррача кезгай йўқ. Халқ кимнинг кимлигини ўзи ажратиб олади, ўзи баҳо беради ўзи

дай муносабатнинг ҳосиласидир, «Ватанни севмоқ-иймондандир» деган Ҳадиси шарифга эгиз, эгизак тушунчадир.

«Ватанни сев!» деб бировга буюртма бериб бўлмайди. Севма дейиш эса гуноҳи азимдир. Иккита гап ортиқча, битта гап етишмайди. Демак, бир яримта гапни топмоқ лозим. Бир яримта гап эса кунгилнинг туб-тубида

этибди. У юзага қалқиб чиқиши, томирларда қон бўлиб оқиши, жисму жонимизга озуқа бериши керак. Токи юрагимизнинг ҳар бир уриши бизга ўша гапни эслатиб турсин!

Жушқин

ВАТАНГА

МУҲАРРИР СУҲБАТГА ЧОРЛАЙДИ

шарҳлайди ва керак бўлса ўзи лаънатлайди.

Утган ҳафтада Россия телевидениеси бир кун фақатгина машҳур журналист Владислав Листьевнинг ҳалокатига бағишланган воқеаларнигина курсатди. Бутун Останкино оёққа қа-

лар олмади. Наҳотки, бутун Хитойда филни қандай қилиб тортиш кераклигини биладиган одам топилмаса, — деб кичкирди.

— Филни қандай қилиб тортишни мен биланми! — деган ингичка овоз эшитилиб қолди шунда. Бу бола богонининг мева олиб келган кичкина угли Дин Ли эди.

Бундай манманлик шу ердагиларнинг ҳаммасини ажаблантирди. — Сен филни қандай қилиб торти-

ўйлай бошладилар. Уйларига тарқалиб, кенаси билан ўйлаб чиқдилар. Эрталаб яна саркарданинг саройига тупландилар.

— Қани, ўйлаб топдингизларми? — деб суради улардан Тяо Цзян.

— Уйлаб топдик, — деб жавоб берди доғишмандлар.

Сунгра уларнинг энг эътиборлиси ва энг семизи бир оз олға чиқиб, катта китобни очиб ўқий бошлади... Тяо Цзян кўзларини юмиб унинг сузларини эши-

та бошлади.

— Бутун Хитойда бу филни торти оладиган торози йўқ, — деб гердайиб китобни ўқишда давом этди доғишмандлар. Тяо Цзян эса унинг гапни маъқуллаб бошини қимирлатиб утирди. — Шунинг учун, доғишмандларнинг доғишмандлиги филни тортиш учун уни юз булакка бўлиб, ҳар бир бўлагини алоҳида тортиш ва ҳосил бўлган сонларни қўшиб чиқишга қарор қилди.

Тяо Цзян кўзини очиб, газабидан урдидан ирғиб турди-да:

— Наҳотки, доғишмандларнинг доғишмандлиги бундан аҳмоқона нарсани ўйлаб то-

Иzzатилла РАҲИМОВ

ДИН ЛИНИНГ ТАРОЗИСИ

моқчисан? — ҳайрон бўлиб суради Тяо Цзян.

— Бу жуда осон, — деб жавоб берди бола. — Сиз филни катта қайиққа туширинг-да, қайиқнинг сувага қанча ботганлигини белгилаб қўйинг. Сунгра филни киргоққа чиқариб, қайиққа тош юклаган. Қайиқ олдинда ботганида тош юклатишни тўхтатинг. Сунгра эса қайиқдаги тошларни битта-битта тортиб, уларнинг оғирлигини қўшинг. Ана шундай қилиб филнинг оғирлигини топган бўласиз.

Ватанпарварлик — она сути ила қалбга сингади

Ақл ёшда эмас

Нақл қилишларича, бундан кўп замонлар илгари Хитойда Тяо-Цзян номи бир баҳодир саркарда яшаганди. Кунлардан бир кун Тяо Цзянга каттагон фил совға қилдилар. Бу филни курганлар хайратдан донг қотишди. Тяо Цзян бу филнинг оғирлиги қанча экан, деб ўйлаб қолди ва шу заҳотиёқ узини-

нг доғишманд ва маслаҳатчиларини чақириб бундай деди:

— Қуриб турибсизларки, мен ўйлабни қолдим. Шу филнинг оғирлиги қанча келишини қандай қилиб топсак экан? Шунинг сизлардан сурамоқчиман.

Доғишмандлар бир-бирларига шубҳали қараб қўйишди. Ҳаммалари ҳам



ДОНИШМАНДЛАР ГУРУНГИ

Р.АБДУРАХИМОВ СУРАТИ

Сочларингни эркалаб, суюб
 Еллар эсса, суюк кўзлугим.
 Бу елларга қучоқ оч тўйиб,
 Бу елларнинг бағрида ўзим.
 Ухласанг гар тунда пичирлаб
 Кимдир сендан бўса олса гар,
 У — руҳимдир, у — мендаги қалб,
 Сени йпиб кетгум ҳар сахар.
 Мен кетарман кунлардан бир кун,
 Мени эслаб йиғлама ҳеч ҳам.
 То ҳаётсан, мен сенга мафтун,
 Қалбингдаман, севимли эркам.
 Юрагингдир ошеним менинг,
 Кўзларингда кулгуларим бор.
 Тушларингда яшайман сенинг,
 Қайғурмагил кетди деб зинҳор.

КЕЛДИМ ҚОШИНГИЗГА БОШИМНИ ЭГИБ

Келдим, қошингизга бошимни эгиб,
 Келдим, азобларнинг жонхуш заҳридан.
 Юракка бўҳтоннинг йқлари тегиб,
 Келдим, чидаёлмай увол қаҳридан.
 Ўйламанг, бузмасман оромингиз ҳеч,
 Фақат бир сувратдек тингланг, сўрадим.
 Остонангизга тўкиб оҳларим бу кеч,
 Олиб кетай фақат бундан сувратим.

Ръно ҲАЛИМОВА

ЖИГИ-ЖИГИ

Қадамингга гул сўрадим баҳордан,
 Таърифингга тил сўрадим шакардан.
 Изинг олиб чиқдим шомдан, сахардан,
 Қайлардасан қуралайкўз суюгим?
 Жиги-жиги, ойқучоқ қизкийигим.
 Сайрон айла кўксимдаги қатларда,
 Жуфтлик иқбол, кулфат қисмат тоқларга,
 Қўш энэйлик тунжираган қоқларга,
 Қайлардасан қуралайкўз суюгим?
 Жиги-жиги, ойқучоқ қизкийигим.
 Тун чимилдик, еллар шарпанг насими,
 Фалакда Ой висол шами исими,
 Сен, мен, олам ёлғиз — бу ишқ расими,
 Қайлардасан қуралайкўз суюгим?
 Жиги-жиги, ойқучоқ қизкийигим.

Ҳақ қуши хуришид самода кўндиролмайман, нетай,
 Хок қуш қалбим ҳақ талабин сўндиролмайман, нетай.

Палапон кўнглимга осмон сафоси орзу эди,
 Уни ер саҳни бедодда қондиролмайман, нетай.
 Мен толе излаб талпиндим давроним, сижурғига,
 Кел, Ҳумо, бошимга кўн, деб кўндиролмайман, нетай.

Эзгулик ўтин йиғурда минқоримда қон шарор,
 Қонли хирмон-қаҳнус жоним ёндиролмайман, нетай.

Оламда пойдор адолат, бу қуш қалбим шеваси,
 Бу қумри сидқдан ўзимни тондиролмайман, нетай.

Шафоат, такрор то маҳшар қилсам тавба гўёсин

Ҳақ дарзин учган умрдан йндиролмайман, нетай.

Шафоат РАҲМАТУЛЛО ТЕРМИЗИЙ

Оҳ, Дўрмон боғлари, сўлим, мафтункор,
 Шоирлар маскани, илҳом ватани.
 Кузинг қучоғида гўзал, бетакрор,
 Олтиранг товланар Дўрмон боғлари.

Оқшом оғушида янада сўлим,
 Боҳаво кўринар фусункор гўша,
 Қушлар новдаларда топшиган кўним,
 Ховузда ой акси қилар томоша.
 Ширин туш кўради, табиаат сокин,
 Фақат уй ичида милтилар чироқ.
 Сукунат қўйида тин олар замин,
 Бунда шоир аҳли бедордир бироқ.
 Руҳафзо хаёллар шоир ўйида,
 Назмий уммонлардан мисли терар дур.
 Шу тунда, ястанган Дўрмон қўйида,
 Дунёга келади ажойиб бир шеър.

МАНЗАРА

Шайланади чақмоқ моҳир сувраткаш,
 Табиат кўркини сувратга олар.
 Ел чаққон кўмакчи, югуриб-елиб,
 Дарахт-қизлар сочин тартибга солар.
 Шунда зиядан тарс-турс этиб қайдандир,
 Этиб келар шошиб зўр рашкчи емғир.
 Сўнг жаҳл устида шамолни қувиб,
 Дарахт юзларига шاپалоқ тортар.
 Япроқлар ногаҳон энтиқиб кетар,
 Дарахт шарт бурилар: "Йўлингдан қолма!"
 Ёмғир жинг афсусла тинади. Тонгда
 Дарахт юзларига шاپалоқ изи,
 Жилваланиб турар қизарган олма...

Зилола ТУРАБЕК ҚИЗИ

Тунлар титраб кетди важоҳатимдан,
 Осмонда ой кезар, юлдузлар ғамнок.
 Сени ишғол қилдим эй тошдил кўрғон,
 Мен сени забт этдим тошюрак.
 Қалмага келмас мажнунтол тили,
 Шошқалоқ сой бу кун тесқари оқар.
 Ҳайратдан қушчалар еқа ушлайди.
 Мен сени забт этдим тошбағир.
 Кўзларинг меҳрпоқ қарашларидан
 Ларзага келсаю ва сирли сеҳр
 Юракни сиқимлаб қилса бир ҳовуч,
 Мен сени севаман тошмеҳр.

Туннинг кўзларидан еғилар қаро,
 Ойнинг юзларидан сочилмайди нур,
 Кўршапалак учмас умид йлдириб,
 Мен сени соғинсам...
 Кундузнинг кўзидан еғилар оқлик,
 Қуёшнинг юзлари қиппа-қирмизи,
 Ҳур капалак учар хандон, қийқириб,
 Мен сени соғинсам...

Улутбек МИРЗО АҲРОР

Очил юрак сим-симей,
 Йиғламагин жим-жимей,
 Бугун бизга дунёнинг
 Хаёллари тилсимей.
 Сизга ўзга малакнинг
 Ҳусни, жони муборак,
 Бизга кўзлар ешию
 Юрак қони муборак.
 Очил дилим сим-симей,
 Ўзга бахтни кўйгилей,
 Ўша мағрур йигитнинг
 Дил дардларин йўгилей.
 Очил севи сим-симей,
 Ўзим сендан ўргулай,
 Мени оппоқ ажалмас,

Фақат ўзинг йлдирей.

Фақирнинг кўнглини ошиён этди
 Сендан қолган дард.
 Парилар хаёлин паришон этди
 Сени олган мард.
 Кунлар йиғладилар... Олича гули
 Оппоқ келинчақдек ороланганда.
 Гўзал гулзорларнинг куйди булбули
 Дил телба фалакдан айроланганда.
 Зулмат чақмоғни кўп кўрди биздан
 Кўз ешлар даредек дарёланганда.
 Қалбингда қабримнинг чечаги унди

Дунёлар турфа хил дунёланганда.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Ёлғон экан суйганларинг,
 нега суйдим,
 Тил учидо куйганларинг,
 нега куйдим.

Олма отиб ўйнаган ер, йўлдан қолма,
 Бу кун дилда алам туйдим, алам туйдим.
 Қуёш тафти етган куртак очилади,
 Нур силаса ғунча потраб сочилади.
 Жилоланган муз экансан, билмовидим,
 Юраккиман меҳрларга оч ўлади.
 Ўт нафасим авзларни қайирсачи,
 Бор бўлсанг гар сени муздан айирсачи,
 Куйиб-куйиб ҳовучгина қолсане агар,
 Жонингга жон бўлмоғимни буюрсачи.
 Ёлғон экан суйганларинг, нега суйдим,
 Тил учидо куйганларинг, нега куйдим.
 Сув бўйида оғир-оғир уйғонаман,
 Кўрганларим барин энди тушга йўйдим.

БАХТЛИ АЁЛ

Пайдо бўлар йўлимда гоҳо
 Бир туп қирмиз атиргул мисол,
 Кўзғалади юракда ғавғо,
 Асир этиб тасодиф Висол.
 Ёлқинида енмоқ ҳаваси
 Қанот берар телба хаёлга.
 Бироқ надир кўнгила ваъдаси
 Ўн гули ҳам гулгун аёлга...

Алишер ПОЁНОВ



Вужудим роҳатланмоқда

Кизи борнинг нози бор

